

Хушхабар: «Исломга бағишланган умр» китоби турк тилида



15:30 / 04.03.2025 1341

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ҳаёт йўллари бағишланган, ҳазратнинг инилари Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф томонидан ёзилган «Исломга бағишланган умр» китоби «Durus» нашриёти томонидан чоп қилинди.

Ушбу китоб шайх ҳазратларининг болалик даврларидан бошлаб то вафотларигача бўлган даврни ҳикоя қилади.

Шайх ҳазратлари бошқа одамлар каби мактабда, мадрасада, олийгоҳда ўқиганлар, аммо қандай қилиб бундай улуғ даражага етганлар, деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Китоб орқали ушбу саволга ҳам жавоб олиш мумкин.

Шунингдек, китобдан шайх ҳазратларининг ота-оналари, оилалари, фарзандлари ҳақида, ҳаётларининг оғир синовларидан қандай ўтганлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Эслатиб ўтамиз, «Исломга бағишланган умр» китобидан олдин шайх ҳазратларининг қаламларига мансуб «Иймон» номли китоблари ҳам турк тилига таржима қилиниб, нашр [бўлган](#) эди. Шунингдек, ҳазратнинг бир қатор китоблари [рус](#), [қорақалпоқ](#), қирғиз, инглиз тилларига таржима қилинган ва ҳозирда ҳам бу жараён давом этмоқда.

«Исломга бағишланган умр» китобининг турк тилидаги нашрига «Duruş» нашриётининг расмий [саҳифасидан](#) буюртма беришингиз мумкин.

Аллоҳ таоло бу янгиликни барчамиз учун, хоссатан, қардош турк халқи учун муборак ва манфаатли қилсин!